01-09/12-04/297
7.04.2023

ТАСДИҚЛАЙМАН
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси
________ Ф.Эрманов
“___” апрель 2023 йил

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишининг “Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича” Республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишининг 2-сонли баённда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш бўйича **“Йўл хариталари”** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, вазирлик ва идораларга йўналтириш ҳамда ижросини назоратга олиш ишларини ташкиллаштириш. | **2023 йил 10 апрелга қадар** | Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (С.Турманов), Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (М.Ахмедова), мутасадди вазирлик ва идоралар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари |
| 2. | **27332 нафар** хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳудуд, туманлар (шаҳарлар) ва секторлар кесимида манзилли режани тасдиқлаб тақдим этсин.<br>Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:<br>**1123 нафар** ишлаш истагида бўлган ишсиз хотин-қизларни бўш (вакант) ҳамда ҳудудий ва тармоқ инвестиция | **2023 йил 10 апрелга қадар** | Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (М.Ахмедова), Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (С.Турманов), |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | лойиҳаларини амалга ошириш доирасида яратилаётган иш ўринларига ишга жойлаштириш,<br>3863 нафар хотин-қизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш,<br>**4961 нафар** касб-ҳунарга ўқиш истагини билдирган ишсиз хотин-қизларни “Ишга марҳамат” мономарказлари ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш;<br>**6310 нафар** хотин-қизларга Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан белгиланган тартибда субсидиялар ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;<br>**2999 нафар** хотин- қизларни “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари”да меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш;<br>**4262 нафар** хотин-қизларга ўзини-ўзи банд қилиш учун кўмаклашиш;<br>**407** хотин-қизларга мавжуд томорқалардан самарали фойдаланиб, даромад топишларига кўмаклашиш;<br>**38 нафар** хотин-қизларни “Уста-шогирд” анъанаси бўйича ҳунармандчиликка кенг жалб қилиш, бунда уста ҳунармандларни рағбатлантириш чораларини кўриш, шунингдек, уюшмага аъзо бўлган хотин-қизларнинг аъзолик бадалларини қоплаб бериш учун субсидияларни ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини таъминлаш. | | Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (А.Қайратдинов), Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази (Н.Мамбетова), Давлат солиқ бошқармаси (Х.Бекчанов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҚР кенгаши (Қ.Нуримбетов), “Ҳунарманд” уюшмаси ҚР бўлими (Д.Алламбергенова), туман (шаҳар) ҳокимликлари, 4 та сектор раҳбарлари |
| 3. | Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган **4901 нафар** хотин-қизларга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида | 2023 йил 10 | Марказий банк ҚР Бошқармаси (А.Тлеумуратов), АТ “Халқ банки” |

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS № 08/321
« 11 » 04 20 23

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | имтиёзли кредитларни ўз вақтида ажратиш чораларини кўриш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда услубий-амалий ёрдамларни кўрсатиб бориш бўйича ҳудуд, туман (шаҳар) ва секторлар кесимида манзилли режани тасдиқлаб, Республика комиссияси штабига тақдим этсин. | апрелга қадар | (Б.Генжебаев), АТБ "Агробанк" (Б.Сейтназаров), АТБ "Микрокредитбанк" (Р.Утамбетов) |
| 4. | жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва иш билан таъминлашга мухтож бўлган хотин-қизларни ҳамда профилактик ҳисобда турган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш бўйича ҳудуд, туман (шаҳар) ва секторлар кесимида манзилли дастурни тасдиқлаб, Республика комиссияси штабига тақдим этсин;<br>хатлов жараёнларида ушбу тоифадаги хотин-қизлар аниқланган тақдирда уларнинг бандлигини таъминлаб бориш тизимини йўлга қўйсин. | **2023 йил 10 апрелга қадар** | Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б.Торебеков), Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (М.Ахмедова), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (С.Турманов) туман (шаҳар) ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари |
| 5. | Хотин-қизларни онкологик скрининг кўригидан ўтказиш тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритсин; жорий йил давомида **468 минг 778 нафар ортиқ** хотин-қизларни онкологик скрининг кўригидан ўтказиш ва касалликни эрта аниқлаш чораларини кўриш. | **2023 йил 8 апрелга қадар** | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов) |
| 6. | Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишларни марказий ва ҳудудий теле-радиоканалларда, босма оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш тавсия этилсин. | **мунтазам равишда** | Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси (Қ.Бекбаўлиев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҚР бошқармаси (А.Бекмуратов) |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 7. | Хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ишларида мутасадди ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш. | **доимий равишда** | Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (М.Ахмедова), мутасадди вазирлик ва идоралар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва сектор раҳбарлари |

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари** **М.Ахмедова**

QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI

QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
SOG'LIG'I SAQLASH
VAZIRLIGI

«17» 04 2023 y.
№ 01/2494
NO'KIS q. NUKUS sh.

**Барча ДПМ раҳбарларига ҳамда барча туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сизларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 7-апрель кунги №01-09/12-04/297 сонли, Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишининг “Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича” Республика комиссияси кенгайтирилган йиғилишнинг 2-сонли баёнида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси раҳбарлик ва ижро учун юборилмоқда.

***Илова _____ варақда***

**Вазир:** **М.И.Қурбанов**

**Ижрочи:Г.О.Абдисаметова**
**Телефон:90-727-51-69**